



Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози сабзавоткорлари эртаги бодричнинг полиэтилен плёнкалари тагида парвартиш қилишмоқда. Бу ишда Шариф Жалилов бошлиқ бригада сабзавоткорлари бошқаларга намуна бўляпти. Суратда: бодрич парвартиш қилинаётган плёнкали майдонни қўриб турибсиз. А. Абалин фотоси.

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР, ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Бўлимимиз илгари совхоздаги қўлоқ бўлимлардан ҳисобланади. Ҳосилдорлик 16—17 центнердан ошмапти. Биз илгори сабзига қўшилган учун астойдил ҳаракат қилдик. Агротехника фахри тоғуларини ишлаб чиқаришга жорий этдик. Илгори тажрибасини кўнгил билан ўргандик. Техникадан унумли фойдаландик. Надрларни ўз жойига таянлаб қўйганимиз ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Минерал ва маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бердик. Тупроқнинг мелiorатив аҳволини яхшиладик. Сифатли ҳайдалиб, яхши текисланган ерларга барака уруғи ташладик.

Натижада 3—4 йилдан буён совхозда биринчи бўлиб йиллик планини адо этадиган бўлиб қолдик. 1968 йил муваффақиятли якуниланди. Лекин, ўтган

йили бўлимимиз пахтакорлари йиллик планини бажара олмадилар. Биз ҳозир ўтган йилги намояндадорлардан тўри хулоса чиқариб, юбилей йилида пахтадан мўл ҳосил олиш учун зарур чораларни кўраймиш. Деҳқонларимизнинг ҳар бир масалага тиниб ҳисобга олиб, иш кўрмоқдамиз. Биз ҳамма эвенларнинг деҳқончилик касбини севадиган, техниканинг қадрига етадиган кишилар ҳисобига мустахкамладик. Зено аъзоларидан Ж. Тощмуродов, Б. Эшонкулов, С. Бутубоевалар бу йил ўтган йилдан ҳам кўпроқ хирмон кўтаришга, тектар бошига олингандан ҳосилни 3—4 центнер ошириб, 28—30 центнерга етказишга аҳд қилишмоқда.

Зенолар мўл ҳосил етиштириш юзасидан мусобақалашаятилар. Шу қилларда бўлимимиз

пахтакорлари Мирзачўлдаги Ленин номи совхоз меҳнаткашлари ва Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номидаги завод ишчиларининг ташаббусига қўшилиб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қил қилларидан ҳам дала ишлари бундан ташқари йўқ. Ариқ-зовурларни тартибга келтириш ишлари ушшоққил билан ўтказилди. Улар мўддатидан аввал сифатли тозаланди. Ҳайдов ва чопиқ тракторларини, қиллоқ ҳўжалик асбобларини ремонт қилиш ишосига етказилди. Қисқа вақт ичида 14 сепка, 120 борова, 4 чизел ва бошқа қиллоқ ҳўжалик асбоблари ремонтдан чиқариб қўйилди. Биз бу йил ҳар бир ишмизни техникка суянган ҳолда ташқил қилдик. Ҳар бир тракторнинг унумли ишлашига эришамиз. Деҳқонларимиз ишнинг юқори агротехника қондалари

асосида ўтказадилар. 800 тонна маҳаллий ўғит чиқарамиз. Бу йил 455 гектар майдондан 1187 тонна яқин «он олтин» етиштиришга қатъий бел боғладик. Бўлимимиз ишчилари деҳқончилик маданиятини борган сари ошираведилар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бизда анчадан бери алмашлаб экишга эътибор берилмай қўйилган эди. Эндиликда бу ҳатомлини тўзатишга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда экин майлошларининг бир қисмига беда, маккажўхори, шол ва бошқа экинлар оқамиз. Бу эса қарийб бир неча йилдан бери бир хил экин экилаётган ерларимизнинг ҳолатини яхшилаш, келгусида пахтадан янада мўл ҳосил етиштиришга хизмат қилади.

Умузроқ АХМЕДОВ, Бекобод районидан 3-«Давлатин» совхозининг 3-бўлим бошқарувчиси.

СУРЪАТ ЖАДАЛ

Владимир Ильич Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қорона, қурилишнинг тағин ҳам жадаллаштириш ва унга қарашли рух заводининг шу йилнинг ўзида ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қурилиш умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди. Шу қарорнинг эълон қилинганидан бери бир ойча вақт ўтди. Лекин бу вақт ичида завод қурилишида беихоҳ натта ўзгаришлар бўлди ва бўлмоқда.

Маю бу фактларга эътибор қилинг: шу ўтган бир ой ичида илгариги ойга қараганда иккинчи хиссадан кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Заводнинг қурилиш бўлими, компрессор станцияси, электр подстанция ҳамда астаганда ишшоотларидаги кўпгина узелларни қуриш ва монтажлаш ишлари мўддатидан олдин адо этилди. Олмалик кимё заводида қисорат қўратган коллективлар бу ерда ҳам аўр гайрат қилди. Булар «Сталь-монтаж», «Химзапчига», «Термомониторинг», «Электромонтаж» ҳамда 2, 3, 4-қурилиш бошқармаларининг коллективларидир.

Бутунги кунда завод қурилишида «Электромонтаж» бошқармасининг фидокор коллектив ишшоотларида қилипти. Электромонтажчилар рух заводи қурилишида ҳам мураккаб ва катта вазифалар бажарилипти. Улар қорхонадаги ҳамма электр узелларини қўлда чиқаришлари, чунинчи 250 километр масофага кабел ўратиш ва юздан ортиқ қурилмаларни монтаж қилишлари керак. Ўз вазифаларини бажармоқ учун коллектив гайрат-шижоат кўрсатиб ишлапти. Заводнинг биринчи навбатдаги монтаж ишларини мўддатидан бир ой илгари таомлашга аҳд қилишди. Монтажчилар ўз вазифаларига вафодорлик билан иш сўратига сўрат қўшилипти. Айниқса, Акрамов, Абдурахмонов, Марченко, Косинин ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларнинг аъзолари гайрат билан ишлаб, графикдаги ишларни 180—200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Электр монтажчиларнинг тез ва соз ишлашлари учун подстанция бинолари ва машина ўрин пойдеворлари аниқ ва сифатли қурилиш зарур. Ҳозир бу ҳилдаги ишларни иккинчи қурилиш бошқармасининг бинокорлари бажармоқдалар.

— Иккинчи қурилиш бошқармасига, — дейди «Алма-ликсвинецстрой» трестининг бош инжениери Валентин Ми-

хайлович Ким. — Йил охирига 850 миг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш вазифаси топширилган. Илгори коллектив бу вазифани шараф билан адо этипти. Февраль ойининг ўзида қарийб 150 миг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиди. Бу пландагидан анча кўлдир.

Иккинчи қурилиш бошқармаси бунёдкорлари меҳнат қилган объектларда бўлди. Қарорда бўлган, қурувчиларнинг гайрати диларни хушуд этади. Улар ишларни тез ва соз бажармоқдалар. Объектларни сифатли, мустаҳкам қуришга эришмоқдалар. Бу бошқарма қурувчилари ҳам объектларни мўддатидан бир ой илгари қуриб тугатиш учун курашмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низом Ғозикўлов, Сервер Палак, Юрий Бунякин ўртоқлар, бошлқ бригадалар иккинчи қурилиш бошқармаси коллектив ўртасидан ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Шу кеч қундузда қурилиш

штаби аъзоларида тиним йўқ. Чунки завод қурилишидаги ҳамма ишларга штаб раҳбарлик қилади. Бу ерда келиб-келиб турган кишиларнинг ҳисоби йўқ. Қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари, мутахассислар, бригада ва смеаларнинг бошлиқлари, қурувчилар ва монтажчилар турли масалалар билан штабга мурожаат қилишди. Штаб аъзолари эса ҳар қандай масалани тез бажаришга ҳаракат қилишди.

Ҳозир қурувчи ва монтажчиларимиз бизни анча шоғиниб қўйдилар. — дейди Олмалик шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, қурилиш ишларининг бошлиғи ўртоқ Вали Мухамедов. — чунки деярлик ҳамма ушшоқлар графикдан анча илгарилаб кетган. Бу эса заводни қурилиш материаллари ва ускуналар билан таъминлаётган қорхона ва таъкилотларга буюртмани бажаришни жадаллаштириш тўғрисида қайта-қайта мурожаат қилишга тўғри келмоқда.

Хуллас, қурилишнинг дастлабки ойларидаги бунёдкорларнинг қадими кутлуг ва зафарли бўляпти. Бу эса натта ва фахрли вазифанинг ўз вақтида бажарилишидан далолат беради.

М. САЙДОВ.



Д. ИСМОИЛОВ Олмалик рух заводи қурилишида пешқадамлардан ҳисобланади. У қундалик нормасини ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Суратда: Д. Исмоилов. А. Мальцев фотоси.

ПАХТАНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАВИ

ВАСХНИЛ ҳузуридаги Бутунити фок пахта селекциса ва уруғчилиги институтини узун талаби совет пахта лабораториясининг мудири, кишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, Е. П. Страукал ўз ишдорларини кишлоқ ҳўжалик фанлари кандидати А. И. Тилишин ва биология фанлари кандидати К. Тешабоевалар билан ҳамкорликда янги С-4829 навиини яраттиди. Бу серхосил, мўл ва сифатли тола берадиган, машина теримига мос навадир, «Правда» колхозини территориясида жойлашган Юқори Чирчиқ район кишлоқ ҳўжалик экинлари навиини сингаш тақрибга ушқасида 20 та навалар пахта нави ичида ўзининг комплекс хўсуниятларининг устунилиги билан бу нава ажралиб туради. Вегетация мўддатида ердан унб чиқариш, чин барг чиқариш, шоналаш, гуллаш, пишшиш каби биологик процессларни ўшиш ва ривожланишга яхши ўтказилади.

Еростини сизот сувлари 2—3 метр чуқурликда жойлашган ўтлоқ, ботқоқ, тупроқли ерларда янги нава минерал ва маҳаллий ўғитларга талабчан бўлганлиги учун кунда пахта майдошларини шўдгорлаб ҳар гектар ерга 500 центнердан суперфосфат солиб шўдгорланса ишқоллар тез ўсиб ривожланади. Экинлардан сўнг 8—9 кун ўтганда ердан бир токис унб чиқади, 2—3 та чин барг чиқарган, яғналашсини 5—7 кун ичида таомлаш бу нава пахта учун энг қисқа агротехник мўддат ҳисобланади. 25—30 кун ўтганда гўза кийимс шоналашди. Тўпланган шоналар пахтанинг биологик хўсуниятларига кўра 60—70 процентини ташлаб юборди. Шоналашдан 69—70 кун ўтганда гуллашди. Гуллар бўлиқ қўсқиса айланиб 140 кундан кўпроқ усув диларни талаб этади. Катта ва кичик пайкалларда лоретларда калыңлиги билан ўтказилган дефолция натижасида 4—6 кун ўтиши билан пахтанинг 80,6 процент бартг тўқилди. Кўзга бориб кичик пайкалда гектарга 63,9 центнер, катта пайкалда 44,5 центнердан ҳосил кўтарилиди. Шундан 42,0 центнери «эангори» кемаалар ёрдамида терилди.

Контроль 108-Ф ҳосилдорлик жикҳатдан гектарига 35,5 центнерини ташкил этди. Чигит яровизацияга стидсининг ўтиши учун ер қўруқлигига нисбатан 60—70 процент намлик бўлган 25 дарожа нисқисинда экилса, экин унб, ҳосил беради. 60×45×3 сиемасида биринчи репродукцияли чигит экилди. Сорт тозалани 99 процентини ташкил этди. Шоналаш ва гуллаш фазаларида гектарига 204 килограмм фосфор, 115 килограмм калий тузи солиш энг яхши натижа бериши тақрибга кўрилади.

Тўрт марта сўғориб, ҳар сўғорилдан сўнг 10—12 сантиметр чуқурликда култивация ўтказиш, мўл ҳосил гаровчилик. Экинган чигит трихлор фенолат мис, гекохлоран, метил меркаптофос ва вегетация мўддатларида турли касалликларга қарши химиявий препаратлардан агротехник мўддатларда таъсир этувчи дозаларда фойдаланилса, тилля, трипс, карадарин, қўсак қуртчи касалликлар олди олинади. Вилыт касалликлари билан жуда кам, фақат 0,3 процент касалланган. Эрта баҳор ва ёздаги ёгинларнинг натижасида катта-катта пайкаллардаги бошқа навали пахталар поз ва қўсак гоммоз касаллиги билан жуда кўп касалланган. Бу нава эса на гоммоз, на макроспорознег касаллиги билан касалланмади. Бир гектар ерда туп қаллиғини 86,4—106,3 мингтонн икелган 1968, 1969 йилларда гўзани бўлиб бир метрдан сап ортиқ ўсди. Шунини айтиш керакки, 1969 йилда ҳар гектар ерда 106,3 мингтонн кўчат бўлди. Бу албатта янги нава учун қаллиқлик қилади. 90—92 минг туп бўлиши бу нава агробиологикска гўза мувофиқ қолади.

Янги нава 108-Ф, 153-Ф навларини дуррагайлаш натижасида яратилди. 15-16 та ҳосил берадиган шўх бор. 5—6 бўғимдан ҳосил тўқилади. Тупи гўж шўхли. Қўсаги янрик 7,0—7,1 грамм қолади. Барги катта, тўқ кўк рангли силлик, тухумсимон, очилиши олдан бироз саргим тўт тус олиб, доғчалар пайдо бўлади.

Юқори Чирчиқ район кишлоқ ҳўжалик экинлари навиини сингаш давлат комиссиясининг мудири,

Чаноқлардаги пахта доначалари яхши очилади, тўқилиб кетмайди. Чигит ҳам каттароқ тухумсимон, толасаси оқимтир. Чигитида 18—29 процент ёғ бор. Тўқилиши 0,4 балл бўлди. Тўқининг тик турши, пахта бўлакчаларининг тўқилиши 5 баллини ташкил этди.

Янги нава пахтаининг тола чиқариши 39—40 процент, тола узунлиги 32—33 миллиметр, қатқиллиги 4,8 грамм қолади. Топасининг метрик номери 4937, узунлиги узунлиги 23,7 километр. Топаси жуда пишми.

Ўтган йил 30 сентябргача териб олинган ҳосил 108-Ф га нисбатан 143,6 процентини ташкил этди. Сувуқ тушгунча териб олинган ҳосил 41,6 центнери, унумий ҳосил эса 45,6 центнер ёки 119,7 процентдан иборат бўлди.

Нава сингаш тақрибга ушқасида ҳар қиллиқ синовадан муваффақиятли ўтган бу нава «Правда» колхозининг 75 гектарлик пахта майдонига экин-ди.

Бу бригада колхозининг 19 та пахтачилик бригадасдан ўртасида ҳосилдорлик ишқатдан энг олдинги ўринни эгаллади. Ҳар гектар ердан 34,2 центнер ҳосил иғиб-териб олинди. Натижада бригада плани 105,8 процент қилиб адо этилди. Таянчланган пахта пунктларда биринчи сортларга топширилди.

Шунини қизқикчи, 1968 йилда шу бригада пахта майдонига С 4727 навали чигит экилиб, давлат плани 98,8 процентга қилиб кетган эди. Юқорида таъкидланган фикрларнинг ҳисобга олиб, башарият қўшун В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлайдиган йилда колхознинг минг гектарлик пахта майдонига етадиган чигит тайёрланди. Бу навини экиётган правдаликлар бу йил она-Ватан пахтачиллигини ривожлантириш учун шартшароит яратиш беришларига ишончимиз комил.

Б. АЗИЗОВ, Юқори Чирчиқ район кишлоқ ҳўжалик экинлари навиини сингаш давлат комиссиясининг мудири,

СССР ОЛИП СОВЕТИ
ПРЕЗИДУМИНИНГ
ФАРМОНИ

СССР ОЛИП СОВЕТИГА
САЙЛОВ УТКАЗИШ
ТУҒРИСИДА

Еттинчи Чақирқи СССР Олий Советининг вакодатлари тугатиш мусобаботи билан СССР Конституция (Асосий қонун)нинг 54-моддасига биноан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

СССР Олий Советига сайлов 1970 йил 14 июнь, яқшаба кунига тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Ранси
Н. ПОДГОРНИЙ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1970 йил, 19 март.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
БЕДА ЭКИШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
19 МАРТАГА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи стун-районлар, иккинчи стун-беда экин плани, учинчи стун-экинлан майдон, тўртинчи стун-планининг бажарилиш проценти, бешинчи стун — шу жумладан бошқа экинларга аралаштириб экинлан беда.

Ормоникидан	850	840	98,8	610
Урта Чирчиқ	1700	1275	75,1	1169
Бекобод	1660	1201	72,3	1201
Оқўйғон	2400	1685	70,2	1481
Буна	1700	991	58,3	968
Янгийўл	2000	1132	56,6	1047
Бустонлиқ	390	196	50,3	50
Калинин	850	400	47,1	400
Юқори Чирчиқ	1450	207	14,3	78

Область бўйича:
13000 7928 61,0 7204

БОЛГАР-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЯШНАЙВЕРАДИ

Янгида Тошкент область партия комитетиде партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари иккинчи СССР Билария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги шартнома имзолаган кунининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиллиқни бўлиб ўтди.

Ингиллиш чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамаияти президиуми раисининг ўринбасари Ф. Махкамов очди.

«Отечествен фронт» газетаси социал проблемалар бўлимининг мудири В. Райчев ҳамда болгариялик дўстларнинг Тошкентта совгаси мактаб қурилиши бошлиғи Я. Костев йилгиланларга табрик суварлари билан мурожаат қилдилар. Оқўйғон райониданги Динитров номи колхоз комсомол комитетининг секретари О. Хав, Тошкентдаги 1-мактаб ўқитувчиси С. Пуллошева, Чирчиқ электростанция комбинати касабаси союз комитетининг раиси А. Сулаймонов йиллиқда область меҳнаткашларини номидан табриклар билан болгариялик дўстларини шонли сана билан табрикларидилар.

Ингиллиш қатнашчилари Софийдаги Болгария-Совет дўстлик комитетига табрик телеграммаси юборишди.

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитетини область Советининг депутатларига маълум қиладики, 1970 йил 23 мартда эрталаб соат 11 да Республика билмлар уйи биносидан (Киров кўчаси 24-уй) Меҳнаткашлар депутатлари XII чақирқи Советининг V сессияси чақирилади.

Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг Ижроия Комитетини V сессия муҳокамасига қўйиладиган масалаларни киритади:

1. Маҳаллий Советларда ташкилий-оммавий ишларнинг аҳволи ва унни яхшилаш чоралари тўғрисида Олмалик шаҳар ва Буна район ижроия комитетларининг ҳисоботлари.

Докладчилар: Олмалик шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ В. Д. Лисин.

Буна район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Қ. Қодиров.

2. Область Советининг маданий-оқартув ишлари бўйича доимий комиссиянинг ишлари тўғрисида, доимий комиссия раиси ўртоқ Ш. Н. Тошпўлатов доклад қилади.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

РУБОБЧИЛАР КУРСИ

Ангрен шаҳридаги 5-маданият уйи ҳар доим кишилар билан гавжуи. Бу ерда кутубхона, ўқув зали, турли хил тўғараклар мунтазам равишда ишлаб турибди. Ушбу А. Екубонов муҳрилик қилган маданият уйида бир йиллик рубобчилар курси очилди. 15 рубобчи тўғаракда иш бошлаб юборди.

Ш. ЖАБВОРОВ.

СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ УЧУН

Совхоз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Мабо-до йўлнинг тушиб, 2-«Оҳангар» совхозига борсангиз, у ерда жамоат бинолари билан бир қаторда совхоз ишчилари учун маданий-маиший бинолар қуришга аниқ олаётганлигини туйиб бўласиз. Совхозда янги китоб мағазини очиб, унда бадиий, илмий-оқилоб, китоблар сотилмоқда. Бундан ташқари марказда 300 ўқувчи киши кинотеатр қурилади, биттиш арафасида турилади.

Б. ОТАҚУЛОВ.

КАТТА ҚУЛАЙЛИК

Оққўрғон районининг қайси бир ҳўжалигига борсангиз, у ерда саф-сўт турар-жой ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилади. Қўрғонда янги район марказининг меҳнаткашлари яна бир қўлайликка эга бўлишди. Бу ерда «АТС-500» ишга тушди. Бу автомат-телефон станцияси тармоғи Оққўрғон қишлоғида яшовчи 500 меҳнаткашнинг хонадонига хизмат қилмоқда. Шунингдек, Свердлов номи колхозининг Балғовешческ қишлоғида озиқ-овқат мағазини ишга туширилди.

С. МУСТАФОЕВ.

Ш. ТУНГАТОВ.

ШИФОХОНАНИНГ

ЯНГИ ҚОРПУСИ

Биринчи темирйўл насалхонаси яна 220 ўринга келгайди. Янги қорпусда терапия ва физиотерапия бўлимлари ташкил этилиб, замонавий медицина аппаратураси билан жиҳозланганлиги.

«Среднеазиатстрой» трестининг 209-қурилиш бошқармаси бинокорлар томонидан бўйсиз этилган янги қорпус В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги кунда иш бошлади.

Шунингдек, пойтахтнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги «Табассум» кафеци қарши-сида янги «Шодлик» деб номланган модалар ательеси ишга туширилди.

А. КИМ.

Д. ЖОНУЗОҚОВ.

Тошкент шаҳри.

ТЕКНИХУРЛИК, БЕЗОРИЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ИҲҚ!

ОБРУЎНИНГ ТЎҚИЛИШИ

Тўқин-сочин дастурхон атрофида қариндошлар тўпланишган. Ўқтамнинг кайфи чоғ. Боксиз ҳамда қайинси Файзуллога кўрматини ҳам аниқ бўлиб қолган эди. Маана бугун ўзлари келиб қолди.

— Бугун ҳеч қаерга кетиб йўқ. Бир отамлашамиз, — деди у меҳмонлардан ўз сўраб, ўғиндан турар экан. — Нўй-ўлакай акамни ҳам айтириб юбораман. Сиз бемалол ўтираверинг.

Ўқтам мағазиндан чўнтагини қапайтириб келгандан сўнг, суҳбат қизгандан қизди. Одат бўйича биринчи қаҳҳани меҳмонларнинг «соғлиги учун» деб ўқтамнинг ўзи кўтарди. Сўнгра боксиз Ойназорлар ҳам унинг «шўри тилакларини» ҳам эриб кетиб белини «оқариб» берди.

Хуллас калом, кун оғиб қолганда қариндошлар тоғига келиб қолдишди. Хона соҳиб хараҳанча илтимос қилмасин, меҳмонлар қўйишмалди. Ўқтам уларни йўлгага кузатиб қўйишга қарор қилди.

Қайтаётганда мағазини ёнида ўзига ўхшаш «ширин» бўлиб турган улфатларига рўпара келиб қолди.

— Меҳмонлар келишибди-да, бир оғиз ҳам айтмасан, — деди улфатдан бири.

— Бўш қирмасдик, насибамизни олиб борадик, — қўшимча қилди иккинчиси.

Учирма гаплар Ўқтамнинг из-зат-нафсига тегди, шекилли, «мен ҳозир» деганча мағазинга кириб кетди. «Қиттак», «қиттак»лар бир-бирига улашиб, қоронғу тушиб қолганда йиғилар «қиемига етиб» қолдишди. Улфат чиқилиши давом эттиришмоқчи бўлишди-ю, аммо мағазин ёпилиб қолган.

Бу орада мағазини мудир Тожибоев машинага ўтириб, уйга қайтиш тараддудини кўраётган эди. Қамчибек чайқалиб турган Ўқтам Хайтматов ёнига келиб, унга тегашлиқ қила бошлади. Мудир «қўрқин» айтиб, машина эшитилиш ёмонлиги бўлганда, Ўқтам уни тортиб чиқариб, бўш ишча билан бошга туширди. Фақат шифокорларнинг ўз вақтида қўриган чора ва талбирлари туфайлигина Тожибоевнинг ҳаёти сақлаб қолди. Ҳозир ҳам у насалхонада далаванаяпти.

Ҳўш, беш боланинг отаси, Чирчиқ қурилиш материаллари комбинатининг ишчиси Ўқтам Хайтматовни безорилик кўчасига ким етказди?

Ҳойдалик қишлоғида истиқомат қилувчилар уни дилнаш, меҳнатсевар йигит, ажойиб кўшни сифатида ҳурмат қилишмасинди? Эл-юртнинг эътиборидан қол-шига, ўзининг ҳам, Тожибоевнинг ҳам оиласи тинчлигининг бузи-

Е. СОБИРОВ.

Чирчиқ шаҳри.



СУРАТДА: Ўзбек Давлат филармонияси рақс ансамбли санъаткорлари хоразмча рақс ядро эштишмоқда.

КИМНИНГ ТАОМИ ШИРИН

Пойтахтнинг «Гулистон» ресторанида 17 мартдан 19 мартгача иш пазидалар конкурси бўлиб ўтди.

Конкурсга Самарқанд, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон АССР ҳамда Тошкент шаҳри ва областидан келган ёш пазидалар, қандолатчилар, официантлар иштирок этдилар. «Кимнинг таоми ширин» ҳамда «Сиз қандай хизмат қилмоқдасиз?» ширини остида ўтган бу конкурсда юздан ортқ ёшлар ўзларининг пазидалик санъатларини намойиш қилдилар.

Ресторанинг катта зали. Ҳар-ер—ҳар ердаги столларга об-

ларнинг номлари ёзилган. Бир об-ластан 12 киши конкурсда қатнашди. Улардан 4 киши ошпаз, уч киши қандолатчи, тўрт киши официант.

Ҳўранда хоҳлаган столга бориб ўтиради. У ёки бу об-ласт вакиллари томонидан тайёрланган ва менюда кўрсатиб қўйилган таом, ширинликлардан хоҳлаган хилни буюради. Истеъмол қилиб бўлгач, ўзига берилган анкетага фикр ва мулоҳазаларини ёзади, таомларга баҳо беради. Ҳўрандалар томонидан берилган баҳо-лар жори аъзолари томонидан қўриб чиқилади, шу тариқа конкурс қилиблари аниқланади.

Конкурсда қатнашган ёш ошпазлар, официантлар, қандолатчиларнинг кўпчилиги яхши натижа-ларга эришмоқда,— дейди рес-публика конкурси ташкилий ком-миссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Людмила Малишева.— Бунинг учун уларга ресторанда ҳам-ма шароитлар яратилди. Аниқска, ресторанда тартиб ҳамда озода-гарчиликка жуда катта эътибор берилди.

Конкурс ёш ошпазларнинг ма-ласини ошириш, аҳолига маи-ший хизмат кўрсатишнинг ажада яхшилаш, унгулиб қўйилган ўзбек миллий таомларини аниқ-лаш, ишлаб чиқаришга жорий

МЕХНАТ, МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ

Утган шанба кунини об-ластини шаҳар ва район комсомол ташкилотлари ўртасида меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси бошланди. Комсомоллар ўзла-рининг бу эстафеталарини до-ҳий туғилган кунининг 100 йил-лигига бағишламоқдалар.

Шаҳрлар ўртасидаги эста-фетани Чирчиқ комсомол таш-килотлари, районлар ўртасида э-стафетани эса Юқори Чирчиқ комсомоллари бошлади. 21 март кунини эстафетага Тошкент шаҳри қўшилиди. Уни пойтахт-нинг энг кенжа райони—Ҳам-ма райони комсомоллари бош-лаб беради.

Эстафетадан мақсад ёшлар-нинг ижтимоий ва меҳнат ак-тивлигини оширишдир. У ёш-ларнинг шонли «юбилейни» қан-дай кутиб олаётганликлари ҳа-қидаги ўзига хос рапортлар.

ИШҚИНГ ШУЪЛАСИ

(ҒАЗАЛ)

Дўстларини воқиф айтай қўнглим ашуласидан,
Олам менга муваффақ ишқини шуъласидан.
Ҳар кун ғазал ўқираман оташ қалбим меҳридан,
Ошиқ ақли қувонсини севгим наҳидасидан.
Изхори ҳасрат этман, кутдур, нузли замонга,
Лабзим ширин ҳақиқат ёрим қандасидан.
Ой ҳам ҳавас этарини кўртим соҳибжамолни,
Осино гоҳо сўрар ранг гулларининг нуҳасидан.
Бахтим қаро эмасдир, дилбарнинг зулфин янглиғ,
Дилимдаги севинчим барининг ишвасидан.
Баҳо гулнин тоғиди, ўлиб қўнмага суртиб,
Муҳаббат отди бу бахт даврининг тўғасидан.
Нурий таҳаллусларини сўрсанг-чи боисини,
Ҳақондаги ёруғлиқ ишқини шуъласидан.

ҲАМИД НУРИЙ.

600 КИЛОГРАММИ
КУТАРГАН ПАҲЛАВОН

Шахти шаҳрида яшовчи 28 ёшли студент Василий Алексеев ҳайратомуз рекорд қўйди. У Минск шаҳрида ўтказилган Дўстлик кубоғи ҳақлари турни-рида уч машада 600 килограмм келадиган тошни кўтарди. Бу билан совет шпангачиси яқинда ўзи ўрнатган жаҳон рекордини 5 килограммга яхшилади. Паҳ-лавон жим машада 212,5, рт-воқда 170 килограммлик тошга кўтарди. Тошқанда эса биринчи машада 217,5 килограммлик шпангачи «тасляя» этди.

СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИ-
НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

СССР терма командаси ҳок-кейчилари Стокгольмда ўтаёт-ган жаҳон чемпионатида яна бир ғалабани қўлга киритди.

М. ЗАРИПОВ.

лар, Улар Чехословакия терма командасини 3:1 ҳисобида мағ-лубиятга учратдилар. Совет ко-мандасига қимматли икки очко келтирган бу ўрашувда Маль-цев, Вилулов, Никитин шайба-ларини киритдилар. Бу ғалаба-дан сўнг СССР терма коман-даси 8 очко тўплаб, биринчи ўринда мустаҳкамлашиб олди. Энди ватандошларимиз иккинчи дара ўйинларини катта очко-лар запаси билан бошлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ
ОЛДИНДА

Пойтахтнинг «Саёҳат» меҳмонхонасида қасба соиз шахматчиларнинг 4-Бутунит-фақ чемпионати ярим финал мусобақалари бошланди.

Қатнашчилар орасида Ўзе-кстон чемпиони мастерлига номзод С. Пичук, спорт мас-тери Е. Мухин ва мастерлига номзод Г. Власов республика-миз спорт шарафини ҳимоя қи-лишмоқда. Пойтахтнинг моск-валик Черемисин, Одессадан Р. Пельц сингари кучан мастер-лар ташриф буюришди.

Мусобақада турт тур ўйнал-ди. Ҳозирча Ўзбекистон вакили С. Пичук олдинда боруқда. Нешқадан уч имкониятдан ик-ки ярим очко олди.



БАДИЙ ГИМНАСТИКА бўйича шахсий команда биринчилигида Р. Ҳасанова муваффақиятли қат-нашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Суратда: Судьялар Р. Ҳасановага мукофот топшириш-моқда.

Ҳ. ШОҲАФИЗОВ ФОТОС.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«УЗКУЛЬТТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГҲРЖИ БАЗАСИ

Республика шаҳарларидаги универмаг ва маданий мағазинлар савдосида

Реклама
ВА
Экспонат

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатувлар програм-масы.

Рус тилида: 18.00 — «Ешлин» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомол», 18.40 — Телевизи-онликлар, 18.55 — Композитор И. С. Бах туғилган кунининг 285 йил-лигига бағишланган музикали кўрсатув.

Ўзбек тилида: 19.35 — «Сихат-саломатлик» (Телекуриал), 20.35 — Шахримиз оёқшайишнинг учун, 20.55 — «Тирин мурда» (Бадий фильмнинг иккинчи серияси, рус тилида), 22.00 — «Бўстон» теле-журнали.

23.45 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

ЎҚУВ КўРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ

18.00 — Немис тилидан 26-

машғулот, 18.30 — Ота-она-

лар учун консултация, 19.00 —

Синий иқтисоддан машғулот,

19.25 — Инглиз тилидан 26-маш-

ғулот, 20.00 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-

ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-

да — 20, 22/III да Бир пардали

балетлар премьераси.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ

АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —

20/III Алишер Навоий, 21/III да

Парвона.

МУҚИМ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-

ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —

20/III да Жон қизлар, 21/III да

Парвона сингари, 22/III да Фар-

гона тонт отгунча (спектакллар

кеч соат 8 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

— «СУВАГИ ЖОНБАЛАР» янги

аттракцион.

Кино

Кўхна маскиндаги ўрашув —

«СПУТНИК» (тоғ соатларда),

«ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Почтани — «СПУТНИК» (жуфт

соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» 25

ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

Британия ҳақида ўйлар (кундуз

соат 5 да, кеч 7 ва 8 яримда).

Қир биринчи йил олмалари (пр-

табала соат 11 да) — САНЪАТ

САРОФИ.

«Мерседес» муаммоси — «ЎЗ-

БЕКИСТОН» (кундуз ва кечқу-

рун).

Галираверисини — «КОМСО-

МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва

кечқурун).

Она муҳаббати — «ВОСТОК»

(кундуз ва кечқурун).

Қашмирдаги севги — НАВОЙ

номли (Ўзбек тилида, кундуз со-

ат 1.40 ва кеч 8.30 минутда).

Гўзал маликам — «МОСКВА»

(кеч 8 яримда).

«ЧИЛОНЗОР» САВДО

МАРКАЗИДА

20 МАРТДАН 30 МАРТГАЧА

Ўзбекистон ССР Енгил сано-

ат министрлигининг пойафзал

фабрикаларида ишлаб чиқар-

илган болалар оёқ кийимла-

рини

СОТИШ-КўРГАЗМАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо кўргазмасига таклиф

қилинади!

Ўзбекистон Компартияси Маржа зий Комитети нашриётининг

босмахонаси, Тошкент шаҳри.